
Беморларга амбулатор тиббий ёрдам кўрсатиш тартиби

☞ Касаллик белгилари пайдо бўлган ёки текшириш натижасида ковид мусбат натижа аниқланган беморлар поликлиникага мурожаат қилишлари керак;

???? Шу билан бирга мобил телефондан хонадонга қўнгироқ қилаётганда мавжуд муаммолар аниқланганда беморлар ичидан шамоллаш белгилари борлари саралаб олинади;

???? Шамоллаш белгилари аниқланган беморларга УАШ томонидан хабар олиниб, тегишли даво муолажалари қилинади;

???? Касаллик тасдиқланган, касалликнинг аломатсиз ёки энгил шакли бўлганлиги учун уйда даволаниши режалаштирилган беморларга поликлиника томонидан мобил бригада юборилади.

???? Мобил бригада беморга назорат режасини тузади, тегишли дориларни беради, оила аъзоларига кун тартиби ва санитар гигиеник талабларни тушунтириради.

???? Беморнинг ҳолатига кўра 1 кунда 1 марта ёки 2 кунда 1 марта кўрикни амалга оширади.

Бошқа пайт УАШ ҳар куни 2-3 марта телефон орқали боғланади;

✂ Агар беморда

???? Нафас тезлиги дақиқасига 30 марта ва ундан кўп бўлса

???? Энгил ҳаракатларда ҳансираш пайдо бўлса

???? ♂ Ҳолсизлик кучайса

???? Тана ҳарорати 3-5 кун кўтарилиб турса ва қайталаса

???? Йўтал пайдо бўлса ва кучайса

☐ Тезда поликлиника шифокорига хабар бериш зарур.

Бу ҳақда АОКА ҳузуридаги штабда бўлиб ўтган брифингда Коронавирусга қарши штаб аъзоси Барно Одилова маълум қилди.

2020-07-22 19:41:28